



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2020 yil «1» май

№ПҚ-4700

Коронавирус пандемияси даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида

Дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари етишмовчилиги юзага келиши мумкин бўлган шароитда қишлоқ хўжалигидаги мавжуд ресурслар ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, озиқ-овқат экинларини икки баробарга кўпайтириш, юқори ҳосил олиш, соҳада янги иш ўринларини яратиш ва манфаатдорликни ошириш борасида замонавий ёндашувларни жорий этиш мақсадида:

1. Фойдаланишдан чиқиб кетган ва ер ости сувлари захираси мавжуд бўлган ерларни фойдаланишга киритиш, уларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етишириш учун **аҳолига имтиёзли шартлар асосида ажратиб беришнинг қуидаги тартиби жорий қилинсин**:

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ва Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда **2020 йил 10 майга қадар 1-иловада келтирилган ҳудудларда экинларни суғориш учун яроқли сув чиқариш имконияти ҳақида** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига холоса тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда табиий-тупроқ ҳамда иқлим шароитидан келиб чиқиб фойдаланишга киритиладиган ерларга экин турларини жойлаштириш бўйича илмий асосланган тавсия беради;

туман ҳокимлиги фойдаланишга киритиладиган ер майдонларини контурлар кесимида ҳисоб-китоб қиласи ҳамда лойиҳаларни шакллантириб, келишиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига тақдим этади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари **уч кун ичида** ушбу лойиҳаларни кўриб чиқсан ҳолда **умумлаштириб**, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги **беш кун ичида** тақдим этилган лойиҳаларни **ўрганиб**, Вазирлар Маҳкамасининг Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари котибиятига хулоса тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринbosари **беш кун муддатда** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан ишлаб чиқилган лойиҳаларни ўрганиш асосида Молия вазирлиги ҳузуридаги **Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан** ажратиладиган маблағларни туманлар кесимида тақсимлайди;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринbosарининг тақсимотига асосан **Молия вазирлиги беш кун муддатда туман бюджетига** ер майдонларини фойдаланишга киритиш учун зарур маблағларни ажратади;

туман ҳокимлиги қудук қазиш, суғориш тармоқларини тиклаш орқали ер майдонларини сув билан таъминлаш, электр энергиясини тортиш, сув тежовчи технологияларни жорий этишнинг техник ва молиявий кўрсаткичларини белгилайди ва ушбу ишларни амалга оширувчи **пудратчи ташкилотларни танлов асосида аниқлайди**;

танлов қоида тариқасида, туман ҳокимининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринbosари раислигига, туман қишлоқ хўжалиги, архитектура ва қурилиш, молия, солиқ, статистика, ер ресурслари ва давлат кадастри, ирригация бўлимлари, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича туман инспекцияси ҳамда туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раҳбарларидан **иборат таркибда тузиладиган комиссия томонидан амалга оширилади**;

туман ҳокимлиги фойдаланишга киритилган ер майдонларини дәхқончилик соҳасида билим ва қўникмага эга бўлган, биринчи навбатда ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ ва кам таъминланган оилаларга **1 гектаргача** дәхқон хўжалигини юритиш учун, истисно тариқасида, **10 йилгача** муддатга ижарага беради ёки тажриба-синов тариқасида маҳаллий тадбиркорлик субъектларига барча харажатларни олдиндан тўлаш шарти билан **5 гектаргача** бўлган ер майдонларини **10 йилгача** муддатга ижара ҳуқуқини электрон аукцион асосида сотади;

ушбу ер майдонларини ажратиш бўйича ташаббускор ва туман ҳокимлиги ўртасида тузилган ижара шартномасига асосан туман ҳокимининг қарори қабул қилинади, бунда ер майдонларида сув тежовчи технологияларни қўллаш ва устувор равища **сабзавот, полиз, картошка, дуккакли ва мойли экинларни экиш, боғ ва токзорлар барпо этиш** назарда тутилади;

ер майдонларини ижарага бериш ҳамда ижара ҳуқуқини сотишдан тушадиган маблағлар туман ҳокимлигининг **сабзавотчиликни ривожлантириш бўйича махсус ҳисоб рақамида жамғарib борилади** ҳамда янги ер майдонларини фойдаланишга киритиш мақсадларида ишлатилади;

ердан фойдаланиш давомида белгиланган экин турларини экиб, иш ўринларини яратган, ижара харажатларини ўз вақтида қоплаган тадбиркорлик субъектларига **ердан фойдаланиш муддатини узайтиришда устуворлик ҳуқуқи берилади.**

Туман ҳокимликлари фойдаланишга киритиладиган ер майдонларининг **яхлитлиги, бир маҳсулот турига ихтисослашиши, мева-сабзавотчилик** кластерлари ва кооперациялари орқали дәхқон хўжаликларига уруғлик ва кўчатлар етказиш, илғор агротехнологияларни ўргатиш, этиштирилган маҳсулотларни реализация қилишда кўмаклашсин, шунингдек, минерал ўғитлар ва ёқилғи-мойлаш маҳсулотларини етарли ҳажмда ва ҳамёнбоп нархларда харид қилишлари учун зарур инфратузилмани яратсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

мазкур қарор доирасида ижарага бериладиган ер майдонларида енгил конструкциядаги дала шийпон ва суғориш иншоотларини жойлаштиришга рухсат берилади, бошқа турдаги, шу жумладан **турар жой, бино ва иншоотлар қуриш қатъян ман этилади;**

ижарага бериладиган ер майдонларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириш учун Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) иштирокидаги “Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қиймат занжири яратишни ривожлантириш” лойиҳаси, Жаҳон банкининг кредит линиялари ҳисобидан кредитлар ажратилади. Бунда тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг Марказий банкнинг асосий ставкасидан ошадиган қисми Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади;

мазкур қарор доирасида фойдаланишга киритилган ер майдонлари мақбуллаштирилмайди, ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилишига ердан фойдаланувчи розилиги асосида сарф этилган маблағларнинг бозор қиймати ва олиб қўйиш сабабли етказилган заарнинг ўрни тўлиқ қопланганидан сўнггина рухсат этилади;

қишлоқ хўжалиги кооперацияларида иштирок этадиган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оиласига кирувчи ҳар бир оила парранда боқсан даври (40 кун) учун Жамоат ишлари жамғармасидан қўшимча **500 минг сўмдан рағбатлантирилади**.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгashi, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда**:

янги фойдаланишга киритиладиган ерларнинг ижара ҳуқуқини электрон аукцион асосида сотишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини;

қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларнинг йўналишлари ва мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, дехқон хўжаликлари, шахсий томорқалардан самарали фойдаланиш, маҳсулот етишириш ҳажмини ҳамда аҳоли бандлиги ва даромадини оширишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонунини, шунингдек, “Шахсий томорқа хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** янги фойдаланишга киритиладиган ерларнинг ижара ҳуқуқини “E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончасида сотишга имконият яратсин.

5. Маълумот учун қабул қилинсинки:

а) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ:

ушбу кодекснинг 57-моддасида назарда тутилган шартларга жавоб берувчи қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ўзи ишлаб чиқарган ўз қишлоқ хўжалиги маҳсулотини реализация қилишдан олинган фойдаси бўйича **фойда солиғи ставкаси 0 фоиз** микдорида белгиланган;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириш ва сақлаш учун, шунингдек, ипак қурти етишириш учун фойдаланиладиган қишлоқ хўжалиги корхоналари балансида бўлган мол-мулкининг ўртacha йиллик қолдиқ қиймати юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблашда солиқ базасидан камайтирилади;

томчилатиб суғориш тизими қўлланиладиган ерлар – томчилатиб суғориш тизими жорий этилган ойнинг бошидан эътиборан **беш йил муддатга**, қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун **янги ўзлаштирилаётган ерлар** – ваколатли орган томонидан тасдиқланган лойиҳага мувофиқ, уларни ўзлаштириш ишлари бажариладиган даврда ва улар ўзлаштирилган вақтдан эътиборан **беш йил мобайнида** ҳамда янги барпо этилаётган боғлар, токзорлар ва тутзорлар эгаллаган ерлар, дараҳтларнинг қатор ораларидан қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун фойдаланишдан қатъи назар, уч **йил муддатга ер солиғидан озод қилинган**;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартағи “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5969-сон Фармонига асосан қишлоқ хўжалигидаги ерларни суғориш учун фойдаланиладиган ҳажмлар бўйича **сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 2020 йилда ўрнатилган ставкалардан 50 фоизга пасайтирилган**.

6. Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирининг ўринbosари **Ж.Кўчқоров** Молия вазирлиги билан бирга **бир ой муддатда** Инқирозга қарши курашиб дастури доирасида ажратилган маблағлардан ер майдонларини фойдаланишга киритиш учун туман бюджетларига Бosh вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринbosарининг тақсимотига асосан **300 миллиард сўм** ажратилишини таъминласин.

7. Коронавирус пандемияси даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-куватлаш чораларини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансан.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тиҷорат банкларининг:

2020 йилда ажратилиши режалаштирилган 30 триллион сўмлик револьвер кредитларнинг 2 триллион сўмини мева-сабзавот маҳсулотларини етиширувчилар ва унинг экспорти билан шуғулланувчи корхоналарга йўналтириш;

экспорт шартномаси бўйича келгусидаги тушум таъминоти асосида шахсий томорқа ер эгалари ва хўжалик юритувчи субъектларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириш учун бўнак ажратиш ҳамда маҳсулотларни сотиб олиш мақсадларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчилар ва экспорт қилувчиларга қисқа муддатли кредитлар ажратиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин. Бунда, кредитлар яхши кредит тарихига эга, камида 2 йил давомида мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти фаолияти билан шуғулланган қайта ишловчилар ва экспорт қилувчиларга ажратилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги “Ўзпахтасаноат” АЖ тизимидағи корхоналарнинг ипак қурти боқиши иншоотларини “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси таркибидаги ташкилотларга тўловларни йигирма йилгача муддатга бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти билан баланс (қолдиқ) қийматда инвестиция киритиш шарти билан сотиш чораларини кўрсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларига қарорда белгиланган вазифалар юзасидан тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоят ва туманлар ҳокимларининг ҳисботларини эшитиш ва тегишли баҳо бериб бориш тавсия этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Молия вазирлиги мазкур қарорда кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун ажратиладиган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши устидан назорат ўрнатсан.

12. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Молия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ў.И.Барноев ва Ж.А.Кўчқоров зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 1 майдаги ПҚ-4700-сон қарорига
1-илова

**2020 йилда фойдаланишдан чиқиб кетган ва ер ости сувлари захираси мавжуд бўлган ер майдонларини
ўзлаштиришнинг прогноз кўрсаткичлари**

Т/р	Худудлар номи	Жами ер майдони	Ер ости сувидан фойдаланиш ҳисобига, га	Қайта тикланадиган ер майдони, га	Шундан, ер турлари						
					Экин ерлар	шундан сугориладигани	Кўп ийллик дарахтзорлар	шундан сугориладигани	Бўз ерлар	шундан сугориладигани	Яйлов ва лалми ерлар
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	22 210	1 210	21 000	21 000	21 000	-	-	-	-	-
2.	Андижон	2 024	860	1 164	1 164	1 164	-	-	-	-	-
3.	Бухоро	27 916	25 360	2 556	2 470	2 470	86	86	-	-	-
4.	Жиззах	35 812	23 942	11 870	2 320	2 320	-	-	-	-	9 550
5.	Қашқадарё	58 673	38 932	19 741	19 741	19 741	-	-	-	-	-
6.	Навоий	26 153	11 038	15 115	1 590	1 590	4	4	750	750	12 771
7.	Наманган	9 959	8 644	1 315	888	888	-	-	427	427	-
8.	Самарқанд	32 027	21 179	10 848	3 788	3 788	-	-	-	-	7 060
9.	Сурхондарё	12 787	-	12 787	2 621	2 621	-	-	-	-	10 167
10.	Сирдарё	7 620	2 156	5 464	5 464	5 464	-	-	-	-	-
11.	Тошкент	28 689	14 989	13 700	6 716	6 716	-	-	-	-	6 984
12.	Фарғона	7 145	5 159	1 986	1 971	1 971	15	15	-	-	-
13.	Хоразм	9 108	1 590	7 518	7 189	7 189	-	-	25	25	304
Республика бўйича жами		280 121	155 059	125 063	76 921	76 921	105	105	1 202	1 202	46 836

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 1 майдаги ПҚ-4700-сон қарорига
2-илова

**Коронавирус пандемияси даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона
фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

Т/р	Тадбирлар номланиши	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
1.	Асосий майдонга экинларни 15 майга қадар тўлиқ экиш бўйича кунлик графикларни тасдиқлаб, ҳар бир кластер, фермер ва деҳқон хўжаликлари кесимида кунлик мониторинг юритишни йўлга қўйиш.	Амалий чора-тадбирлар	2020 йил май	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари
2.	Сув тежовчи технологияларни жорий қилган ҳолда 38 минг гектар лалми ва яйлов ерларни ўзлаштириб, озуқа ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Йил якунига қадар ҳар бир вилоятда 6 минг бош насли қорамол тайёрлаш ва етказиб беришни ташкил этиш чораларини кўриш. Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жizzах, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида чорвачилик йўналишида 74 та оиласи кооперация фаолиятини йўлга қўйиш.	Амалий чора-тадбирлар	2020 йил декабрь 2020 йил сентябрь	Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, “Ўзбекчорванасл” агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари

Т/р	Тадбирлар номланиши	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
3.	<p>Балиқчиликда интенсив усулни жорий қилған ҳолда балиқ ишлаб чиқариш ҳажмини 350 минг тоннага етказиш чораларини күриш.</p> <p>Хар бир ҳудудда битта туманни балиқчиликка ихтисослашган намунали туманга айлантириш чораларини күриш.</p>	Комплекс чора-тадбирлар	2020 йил декабрь	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, тижорат банклари
4.	<p>Ўрмон хўжаликларида 16,5 мингта янги асалари уяларини ташкил қилиб, асал ишлаб чиқаришни кўпайтириш чораларини күриш.</p> <p>Асал ишлаб чиқаришни 5 баробарга ошириш ва ҳар бир ҳудуднинг битта туманида асаларичилик кластерини ташкил қилиш, 300 тадан 500 тагача аҳоли хонадонларига 10 тадан 20 тагача асалари уяларини тарқатиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритиш.</p>	Комплекс чора-тадбирлар	2020 йил май	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Ўзбекистон Асаларичилари уюшмаси, “Алоқа банк” АТБ
5.	Куёнчиликни ривожлантириш бўйича белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш ҳамда қуёнлар бош сонини 2 баробарга кўпайтириш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаш ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш.	Комплекс чора-тадбирлар	2020 йил май	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, “Ўзчармсаноат” уюшмаси, Микрокредитбанк

Т/р	Тадбирлар номланиши	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
6.	<p>Жойларда пилла етиштириш ишларини ташкил этиш учун 20 минг нафар малакали мутахассисларни аниқлаб, уларни Жамоат ишлари жамғармаси ҳисобидан ишга ёллаш чораларини кўриш.</p> <p>“Бир хонадонга – бир қути ипак қурти” тамойили асосида ипак қурти уруғи тарқатилишини ташкил этиш.</p> <p>Аниқ ҳисоб-китоблар асосида 2020 йилда 400 минг қути ипак қурти уруғи боқиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.</p> <p>Инқирозга қарши курашиб дастури доирасида ажратилган маблағлардан пилла етиштириш мавсумида белгиланган ҳосилни олган ишсиз, кам таъминланган оиласарга, ҳар бир қути ипак қурти учун қўшимча 700 минг сўм қўшиб бериш.</p> <p>Дала атрофидаги 95 миллион туп якка қатор тутлар жойлашувидан келиб чиқиб, фермер хўжаликлари, пахта ва ғалла кластерларини пилла боқишга жалб этиш.</p>	<p>Амалий чора-тадбирлар</p>	<p>2020 йил май</p> <p>2020 йил май</p> <p>2020 йил май</p> <p>2020 йил май-сентябрь</p>	<p>“Ўзбекипаксаноат” юшмаси, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари</p>
7.	Ер майдонлари четларида тутлар экилишини ташкил этиш бўйича чора-тадбирларни белгилаш.	Амалий чора-тадбирлар	2020 йил май	<p>Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши,</p> <p>“Ўзбекипаксаноат” юшмаси</p> <p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари</p>

Т/р	Тадбирлар номланиши	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
8.	Сунъий ҳавзалардан фойдаланиш самарадорлигига қараб ер солигининг табақалашган ставкаларини жорий қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.	Норматив-хукуқий ҳужжат	2020 йил май	Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
9.	<p>Мева-сабзавотчилик кластерларига айланма маблағ учун зарур бўлган 258 миллиард сўм кредит ажратиш чораларини кўриш.</p> <p>“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси таклифлари асосида камбағалликни қисқартириш бўйича ишлаб чиқилаётган давлат дастури лойиҳасига жун, пахта ва ипак хом ашёсидан гилам ишлаб чиқариш йўналишини алоҳида компонент сифатида киритиш.</p> <p>Инқирозга қарши курашиб дастури доирасида ажратилган маблағлардан Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги хузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлигига қўшимча мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчиларга автотранспорт воситаларида юк ташиш харажатларини қоплаш учун 50 миллиард сўм ажратиш чораларини кўриш.</p>	Комплекс чора-тадбирлар	2020 йил май	Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.Қўчқоров, Молия вазирлиги, тижорат банклари
10.	<p>Пандемия шароитида маҳсулотларни юклаш, чегарадан ўтказишга кўмаклашувчи доимий штаб ташкил этиш.</p> <p>Мева-сабзавот маҳсулотларига харидор топиш, уларни экспорт қилишларини вилоятлар, туманлар, экспорт қилувчилар кесимида аниқ ҳисоб-китоб қилиш ишларини тизимли равища ташкил этиш.</p>	Амалий чора-тадбирлар	2020 йил май	Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.Умурзоқов, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Транспорт вазирлиги,

Т/р	Тадбирлар номланиши	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчиларга автотранспорт воситаларида юк ташиш харажатларининг 50 фоизигача Экспортга кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан қоплаб бериш чораларини кўриш.			Давлат божхона қўмитаси, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимлеклари
11.	<p>Мева-сабзавотчиликка ихтисослашган ихтисослашган 55 та туманга бириклирлган вазирлик ва идоралар раҳбарлари билан биргаликда кредит, уруғлик, ўғит, сув, транспорт, экспорт билан боғлиқ масалаларни оператив ҳал этиш.</p> <p>Ҳар бир маҳаллада ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдоси бўйича кўчма дўконларни ташкил қилиш.</p> <p>Асосий, боғ ва токзорлар қатор ораларига ҳамда такрорий майдонларга талаб қилинган уруғликларни олиб келиш ҳамда жойларга етказиш чораларини кўриш.</p> <p>Мева-сабзавотчиликка ихтисослашган 55 та туманда маҳсус ўғит дўконларини ташкил этиш ва минерал ўғитларнинг тўғридан-тўғри савдосини йўлга қўйиш.</p>	Амалий чора-тадбирлар	2020 йил май	<p>Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.Барноев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимлеклари, “Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК, Давлат божхона қўмитаси, Транспорт вазирлиги, “Ўзкимёсаноат” АЖ</p> 

Изоҳ: “Йўл харитаси”да назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун қабул қилинадиган ҳужжатлар шакли заруратга қараб ўзгартирилиши, бошқа бандлардаги ҳужжатлар билан бирлаштирилиши ёки бир неча турдаги ҳужжатларга бўлинishi мумкин.

Икки ва ундан ортиқ тадбирлар бирлаштирилган ҳолатларда ушбу тадбирлар учун белгиланган энг кечки муддат умумлаштирилган тадбирнинг ижро муддати ҳисобланади. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиши жараённада “Йўл харитаси”да белгиланган тадбирларнинг мазмунига мос келадиган бошқа масалалар ҳам назарда тутилиши мумкин.